

# ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР

6 ЖИЛД, 6 СОН

ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ

ТОМ 6, НОМЕР 6

INNOVATIONS IN ECONOMY

VOLUME 6, ISSUE 6



# ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР

## ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ | INNOVATIONS IN ECONOMY

№6 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2023-6>

**Бош мухаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Гулямов Сайдахрар**  
**Саидахмедович**  
академик

**Бош мухаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Вохидова Мехри Хасановна**  
иқтисодиёт фанлари бўйича  
фалсафа доктори

### ТАХРИРИЙ МАСЛАХАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

#### 08.00.01 - ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ | ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ТЕОРИЯ | ECONOMIC THEORY

**Назаров Ш.Х.** - и.ф.д.  
**Гафуров У.В.** - и.ф.д., профессор  
**Мустафакулов Ш. И.** - и.ф.д., доцент  
**Сайфуллаева М.**  
**Маматкулов И.А.**

**Nanuli Khizanishvili** - Doctor of Economic Sciences, Tbilisi Iv. Javakhishvili State University. Faculty of Economics  
**Екатерина Геннадьевна Господарик** к.э.н., доцент, заведующая кафедрой аналитической экономики и эконометрики экономического факультета БГУ

#### 08.00.02-МАКРОИҚТИСОДИЁТ | МАКРОЭКОНОМИКА | MACROECONOMICS

**Салимов Б. Т.** - и.ф.д., профессор,  
**Назаров Ш. Х.** - и.ф.д.  
**Худойкулов С. К.** - и.ф.н. доцент,  
**Валиев Б.** - PhD.  
**Сафарова Н.Н.**

**Зубиташвили Тамар** - доктор туристических наук, Телавский государственный университет, Грузия

#### 08.00.07-МОЛИЯ. БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ. | ФИНАНСЫ. БУХГАЛТЕРСКИЙ УЧЕТ FINANCE. ACCOUNTING

**Жиянова Н.Э.** - и.ф.н., доц.

#### 08.00.09-ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ | МИРОВАЯ ЭКОНОМИКА | WORLD ECONOMY

**Мурадова Х.М.** - и.ф.д., профессор  
**Шарифхўжаев Ш.О.** - и.ф.д.

**Сардор Азам** - и.ф.д.  
**Вохидова М.Х.** - PhD.

#### 08.00.10-ДЕМОГРАФИЯ. МЕҲНАТ ИҚТИСОДИЁТИ | ДЕМОГРАФИЯ. ЭКОНОМИКА ТРУДА DEMOGRAPHY. LABOR ECONOMICS. 08.00.13-МЕНЕЖМЕНТ | МЕНЕДЖМЕНТ | MANAGEMENT

**Гулямов С.С.** - академик  
**Умурзаков Б.Х.** - и.ф.д., профессор,  
**Каршиев М.Э.**

**Маматкулов И.**  
**Ғойипназаров С.Б.** - PhD  
**Кадилова З.А.** - PhD

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

<b>1. Syed Shaheer Hassan Rizvi, Irtaza Nawaz</b> UNVEILING BAHAWALPUR'S WINTER TOURISM POTENTIAL: A JOURNEY THROUGH HISTORICAL SPLENDOR AND DESERT ADVENTURES.....	4
<b>2. Akhunova Gulchekhra Nazarovna</b> EFFECTIVE USE OF DIGITAL TECHNOLOGIES IN TOURISM.....	11
<b>3. Tuxhliev Nurislom</b> IMPROVEMENT OF TECHNOLOGICAL NEWS AND INFORMATION SYSTEM IN TOURISM.....	17
<b>4. Hashimov Pazliddin Zuhurovich, Mamasoliev F.I.</b> THE ROLE OF DIGITALIZATION IN THE DEVELOPMENT OF TOURISM.....	22
<b>5. Muhammad Ramzan Ali</b> THE POSSIBILITIES OF USING INFORMATION AND COMMUNICATION TECHNOLOGIES IN THE DEVELOPMENT OF TOURISM IN NEW UZBEKISTAN.....	26
<b>6. Shiraz Khan</b> PROBLEMS & PROSPECTS OF USING DIGITAL TECHNOLOGIES IN TOURISM AND ITS FUTURE IN UZBEKISTAN.....	30
<b>7. Kodirova Dilrabo</b> DIGITALIZATION OF TOURISM IN CHINA.....	37
<b>8. Abdurahmanov Shahrukh Abdujabbarovich</b> THE ROLE OF DIGITAL RESOURCES AND TECHNOLOGIES IN INCREASING TOURISTS' PURCHASING MOTIVES.....	41
<b>9. Sayfutdinov Shuxratjon Sultonovich</b> THE IMPACT OF DIGITAL TECHNOLOGY ON THE LONG-TERM SUSTAINABLE DEVELOPMENT OF THE TOURISM SECTOR.....	47
<b>10. Kadirova Zulaykho, Bektoshev Zokirjon</b> MODERN TRENDS OF THE INTERNATIONAL TOURISM.....	53
<b>11. Arifjonov G'ulomjon To'rajonovich</b> ENHANCING EFFICIENCY IN THE DEVELOPMENT OF THE TOURISM SECTOR: MECHANISMS FOR STRENGTHENING COMPETITIVENESS.....	59
<b>12. Matkabulova Dilorom Khalilullaevna</b> MECHANISMS OF DEVELOPING THE TOURISM AUTHORITY OF THE COUNTRY THROUGH COMMERCIAL BANK LOANS.....	63

JOURNAL OF

ISSN: 2181-9491

www.tadqiqot.uz

# INNOVATIONS IN ECONOMY


ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР | ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ

**Тухлиев Нурислом**

Ўзбекистон Халқаро ислом академияси профессори, и.ф.д.

## ТУРИЗДА ТЕХНОЛОГИК ЯНГИЛИКЛАР ВА АХБОРОТЛАР ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**For citation:** Tukhliev Nurislom. IMPROVEMENT OF TECHNOLOGICAL NEWS AND INFORMATION SYSTEM IN TOURISM. Journal of innovations in economy. 2023. Vol. 6, Issue 6. pp. 17-21

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.10509553>

### АННОТАЦИЯ

Мақола замонавий туризм фаолиятида инновациялардан фойдаланиш йўллари, механизмлари, зарурияти ва аҳамияти, технологик янгиликлари ва ахборотлар тизимини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини ёритишга бағишланган.

**Калит сўзлар:** Интернет, онлайн, протекционизм, SWOT, коммуникация, автоматлаштирилган ахборот, тизими, реклама, инновация, менежмент, бронлаш тизими.

**Tukhliev Nurislom**Professor of the International Islamic  
Academy of Uzbekistan, doctor of economics

## IMPROVEMENT OF TECHNOLOGICAL NEWS AND INFORMATION SYSTEM IN TOURISM

### ABSTRACT

The article is dedicated to highlighting the ways, mechanisms, necessity and importance of using innovations in modern tourism activities, technological innovations and the main directions of improving the information system.

**Keywords:** Internet, online, protectionism, SWOT, communication, automated information, system, advertising, innovation, management, reservation system.

**Тухлиев Нурислом**Профессор Международной исламской академии  
Узбекистана, доктор экономических наук

## СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИЧЕСКИХ НОВОСТЕЙ И ИНФОРМАЦИОННОЙ СИСТЕМЫ В ТУРИЗМЕ

### АННОТАЦИЯ

Статья посвящена освещению путей, механизмов, необходимости и важности использования инноваций в современной туристической деятельности, технологических инноваций и основных направлений совершенствования информационной системы.

**Ключевые слова:** Интернет, онлайн, протекционизм, SWOT, коммуникация, автоматизированная информация, система, реклама, инновации, менеджмент, система бронирования.

Туризмга инновацияларни жорий этишга мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий вазият, аҳоли турмуш даражаси яратилган ҳуқуқий-меъёрий асослар ҳамда ҳукуматлараро ва халқаро битимлар таъсир кўрсатади. Шу сабабли ҳар бир мамлакатдаги туристлик фаолиятида инновациялар пайдо бўлишининг асоси ва сабаблари турличадир. Бироқ ҳар қандай мамлакат учун ҳам бир неча умумий жиҳатлар борки, улар қуйидагилар:

- аҳолининг бошқа минтақалардаги турмуш тарзи билан танишишга ва янги билимлар олишга эҳтиёжларининг ўсиб бораётгани;

- саёҳатларнинг кўплаб анъанавий йўналишларининг бойитилиши ва янги марказларнинг пайдо бўлиши;

- рақобатнинг кескинлашуви, стандартлашган глобал маҳсулотлар таклифининг ўсиши;

- энг талабчан туристларнинг эҳтиёжларини тўлиқ қондириш учун саёҳат ва хордикнинг қизиқарли турларини уйғун бирлаштириш (хордиқ чиқаришнинг табиий ва маданий имкониятлари, ўзига хосликлари, специфик маҳсулотлари ва махсус туристлик хизматларига эга бўлиш);

- хизмат кўрсатишда технологик инқилоб ва хизматларни эгаллаш;

- таклиф иқтисодиётдан талаб иқтисодиётга ўтиш.

Хизматларни сотиш бўйича халқаро бош келишув (GATS) ҳолатларига асосланиб, туристлик соҳасида уч йўналишдаги инновацион фаолият ривожланмоқда.

1. Корхона ва туристик бизнесни ривожлантириш билан боғлиқ бошқарув тизими ва тизимдаги янгиликларни (ташкилий инновацияларни) жорий этиш, қайта ташкил қилиш, йириклашув, энг янги техника ва илғор технологиялар асосида рақобатчи субъектларни ютиб юбориш; кадрлар сиёсатида (кадрлар таркибининг янгиланиши ва алмаштирилиши, малака ошириш тизими, ходимларни қайта тайёрлаш ва рағбатлантириш); оқилона иқтисодий ва молиявий фаолиятда ҳисоб ҳамда ҳисоботнинг замонавий шакларини жорий этиш;

2. Истеъмолчилар эҳтиёжларини қамраб олиш ёки қамраб олинмаган мижозларни жалб қилиш имконини берувчи маркетингга оид тадқиқотлар олиб бориш;

3. Туристлик маҳсулотнинг истеъмол хусусиятларини ўзгартиришга, рақобатда устунликлар берувчи ва ҳолатини мустаҳкамловчи хусусиятларига йўналтирилган даврий инновация (маҳсулотга доир янгилик)лар.

Шу тарзда, туризм соҳасидаги инновацион фаолият янгисини яратишга ёки мавжуд маҳсулотни ўзгартиришга, транспорт, меҳмонхонага оид ва бошқа хизматларни таққимлаштиришга, янги бозорларни ўзлаштиришга, илғор ахборот ва телекоммуникация технологияларини ҳамда ташкилий-бошқарув фаолиятининг замонавий шакларини киритишга йўналтиради.

Туризм иқтисодиётига компьютер технологиялари катта фойда келтира бошлаган тармоқлардан бирига айланди. Буларга авиачипталар, бошқа турдаги транспорт воситалари учун чипталар, саёҳатлар ва меҳмонхоналарда хоналар учун аввалдан буюртма бериб қўйиш тизимларини киритиш мумкин. Бугунги кунда Amadeus, Sabre, Galileo, Worldspan, Apollo, Travelport ва бошқалар каби энг йирик тизимларнинг Ўзбекистонда ваколатхоналари очилган.

Бундан ташқари Интернет – жаҳон ахборот тармоғининг аҳамияти бу соҳада кун сайин ортиб бормоқда. Интернет – технологиялар туристик фирмаларга халқаро телефон суҳбатлари ва факс йўллаш учун харажатларни қисқартириш эвазига катта миқдордаги маблағларни тежашда яқиндан ёрдам беради.

Йил сайин авиачипталар ва меҳмонхоналарга аввалдан буюртма бериш тизимидан фойдаланаётган туристик фирмаларининг сони ортиб бормоқда. Бундай тизимлар жаҳоннинг барча меҳмонхоналарида хонага буюртма бериш қисқа вақт давомида иш жойини тарқ этмаган ҳолда буюртма бериш шартлари, нархлар, имтиёзлар тўғрисида маълумот олиш имкониятини беради.

Авваллари бу ишларни амалга ошириш учун узоқ вақт ва маблағ керак бўларди. Тизимга кирувчи агентликлар ҳозирги кунда ўтган йилги маълумотномалардан эмас, балки энг охириги маълумотлардан фойдаланишади. Тизим қатнашчилари қимматбаҳо дастурий таъминотни сотиб олишларига ҳожат йўқ, чунки тизим Интернет тармоғининг стандарт технологияларига асосланган.

Янги технологик уруш туфайли туристик хизматлар бозорини тизимлаштириш жараёни жадал равишда кечмоқда. Ахборот тизимларига мурожаат қилиш қиймати пасайди. Бу кичкинагина туристик агентликка авваллари фойдаланиш қимматга тушган хизматлардан фойдаланиш имкониятини беради. Бундай шароитда унчалик катта бўлмаган турагентликлар катта ташкилотларга жиддий рақобатни юзага келтирши мумкин.

Халқаро ва миллий рақобатнинг кучайиши, фан ва техниканинг тараққиёти туфайли технологияларни бошқариш масалаларининг долзарблиги ортиб бормоқда. Шу сабабли туристик бизнес технологиялари бўйича мутахассисларни тайёрлаш долзарб бўлиб қолмоқда.

Интернет ривожланиши билан бирга нафақат туристик бизнесда қатнашувчиларнинг жойи ва роли, улар ўртасидаги муносабатлар, балки хўжалик юритишининг бутун фалсафаси-туристик маркетинг қайта кўриб чиқилмоқда. Умумжаҳон ахборот тизими анаънавий маркетинг усуллари самарасиз қилиб қўймоқда.

Глобал компьютер тармоғи ер шарининг исталган бурчагида тун-у кун туристик ахборот олишга имконият яратади. Интернетга жойлаштирилган реклама ҳеч нима билан солиштириб бўлмайдиган самара беради. Уни ер шарининг ҳар бир бурчагида потенциал мижозлар истагалган вақтда кўради. Реклама материаллари эркин фотосуратлар, графика ва товуш эффектлари, мултипликация ва ҳатто видео билан жиҳозланган бўлиши мумкин.

Интернет сайтига қўйилган реклама босма кўринишда чиққан рекламага нисбатан анча арзон бўлади. Мултимедия брошюралари зудлик билан ва йенгил алмаштирилиш имкониятига эга, бу эса «ёнаётган» таклифлар учун жуда қулайдир.

Европа мамлакатлари туризм индустрияси ривожланишининг асосий омилларидан бири туризм соҳасига ахборот технологияларининг кириб келишидир. Туризм соҳасидаги ахборот технологиялари шу соҳа ичида ва ташқарисида, тижорат мақсадида қўлланиладиган барча коммуникация ҳамда ахборот технологиялари мажмуидир. Интернет ва глобал ахборот тарқатиш технологиялари туризм индустриясининг асосий ахборот технологиялари ҳисобланади.

Европа онлайн туризм бозорининг ҳажми бир неча миллиард АҚШ долларини ташкил қилмоқда. Онлайн туризм бозори Интернет ва бошқа глобал ахборот узатиш тармоқлари орқали вужудга келган туризм бозоридир.

Европа туризм бозорининг ривожланиши, глобал ахборот туризмнинг ривожланиши билан узвий боғланишда давом этмоқда. Глобал аҳамиятга эга бўлган ҳар қандай илмий-техникавий ўзгариш ва ривожланишлар туризм иқтисодининг бугуни ва келажагини белгилаб беради.

Ўзбекистонга ташриф буюрувчи туристлар орасида европаликлар ташкил анчагина. Интернет ва ҳар хил глобал ахборот узатиш тармоқларидан самарали ва унумли фойдаланиш Ўзбекистонда туризм иқтисодиётини ривожлантириш долзарб ва яқин келажақда ҳал қилиши керак бўлган масалалардан биридир.

Янгиликлар яратиш ва жорий қилиш турли иқтисодий ва ижтимоий соҳаларнинг бирлашиб ҳаракат қилишини талаб қилгани боис, ривожланишнинг инновацион йўли давлатнинг қўллаб-қувватлашисиз бўлмайди. Бунинг учун эса, албатта:

Биринчидан, махсус мақсадли миллий дастурларни амалга оширишда ва минтақавий, миллий ҳокимият органлари маблағ ажратишларида давлатнинг бевосита иштирок этиши; бюджетдан молиялаштирилувчи ва олинган билимларни фойдаланувчилар кенг оммасига бепул тақдим этувчи йирик миллий марказлар яратиш лозим.

Иккинчидан, фан, маданият, маориф соҳаларидаги аниқ лойиҳаларни амалга ошириш учун грантлар ва субсидиялар ажратиш керак.

Грант илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни давлат томонидан молиялаштириш, техника ва хизматлар билан қўллаб-қувватлаши ёки рағбатлантириши лозим. Агар ишларнинг натижалари аниқ булмаса ва яқин келажақда фойдали натижа бера олмаса, давлат грантларидан фойдаланиб турилади.

Давлатга бевосита фойда келтириши мумкин булган тадқиқотлар ва ишланмалар натижаларини қўлга киритиш учун давлат шартномаси тузилади. Шартнома давлат вакилига ишланмалар бажарилиши жараёнини назорат ҳамда таҳрир қилиш ҳуқуқини беради. Давлат томонидан пул ёрдамлари бошқа шартлар билан ҳам тақдим этилиши мумкин.

Айрим мамлакатларда фақат тижорий муваффақиятга эришган ҳолда давлатнинг сарф-ҳаражатларини қоплаш шарти билан субсидиялар ажратилади. Бу лойиҳалар қийматининг 50% гача бўлган маблағни ташкил этади. Бажарувчи олинган билимларга алоҳида ҳуқуқларидан воз кечганида қайтариб берилмайдиган субсидиялар бўлади. Бажарувчи тадқиқот қандай бораётгани ҳақида мунтазам ҳисобот бериб туради, барча олинган натижалар эса очик чоп этилади.

Учинчидан, хусусий корхоналар ва шахсларга илмий-техник ишланмалар учун қулай шароитни таъминлаш. Илмий тадқиқотларга ва бу учун зарурий асбоб-ускуналар сотиб олишга маблағ сарфлаётган хусусий тадбиркорликка ҳар-хил солиқ имтиёзлари, давлат кредитлари ва кафолатлари ҳамда ҳиссадорлик капиталида давлат иштироки орқали молиялаштириш имкониятлари тақдим этилиши муҳим.

Глобаллашув шароитида протекционизм амалиётидан воз кечишга ва инновациялар ҳамда таваккалчиликни рағбатлантирувчи, миллий тадбиркорликни ривожланишининг умумий шартларига амал қилган ҳолда инновация соҳасига чет эл маблағларининг оқимини таъминловчи муҳит яратишнинг аҳамияти катта.

Турли соҳаларда фаолият кўрсатувчи олимлар ва мутахассислар ҳар доим ҳам биргаликда ишлайвермайди. Шунингдек, фан ва турфирма ўртасидаги алоқа ҳам унчалик аниқ эмас, кетма-кет ижро этиш мезонлари ва назорат механизмлари ҳар доим ҳам қўнғилдагидек ўрнатилмайди.

Туризмнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, бу ерда доира ҳамкорлиги жуда кенг қўлланилади. Турли мамлакатлардан келган ва турли саёҳатлар, анъаналар, феъл-атворга эга туристлар бир-бирларини тушунишлари ва биргаликда умумий қарорга келишлари лозим бўлади.

Бир мамлакат миқёсида анчайин мураккаб жараён бўлмиш технологияларни бошқариш жараёни бир қанча давлатлар ишбилармонлари ва олимларининг биргаликда ишлаши жараёнида юзага келувчи кўпгина қийинчиликлардан иборат. Шу сабабли муваффақият кафолатланмайди, лекин уларнинг мақсадлари астойдил аниқланиб, келишиб олинса, кўп миллатли изланиш ва тадқиқотларнинг муваффақиятли бўлишига имкон бўлади.

Интернет реклама компанияларининг хусусиятини ўзгартирмоқда. Анъанавий реклама жуда кенг оммага қаратилган. Бундай реклама тадбирларининг одатдаги мисоллари сифатида матбуотни ёки телевидениени айтишимиз мумкин. Кенг оммага қаратилган бўлгани учун, кўпинча унинг таъсири паст бўлади. Хусусан маркетинг унинг ёқимли ва қиммат рекламасини ким кўриши ҳақида тўла тассавурга эга бўлмайди. У танлов хусусиятига эга бўлган тақдирда ҳам, унинг истеъмолчига бўлган таъсири чекланган бўлади.

Мижозга пассив рол ажратилган бўлиб, хусусан унинг ўзи шахсан рекламага қатнаштирилмаган. Бу диалог эмас, балки монологдир. Интернет классик кўринишдаги реклама фаолиятининг камчиликларини енгиб ўтишга ёрдам берди.

Биринчидан, бу ерда вазиятни маркетинг эмас, балки буюртмачи назорат қилиб туради. Далилларга таянган ҳолда миждозлар нимани, қачон, қайси тартибда ва йўналишда кўришни ўзлари мустақил равишда танлашади. Агар уларни сайтдаги ахборот қониқтирмаса, улар бир лаҳзада компьютер тугмасини босиб, кўрсатувдан чиқиб кетадилар. Аудитория (тингловчилар) реклама таъсири оқибатидаги қарахт ва пассив ҳолатидан, реклама кампаниясининг фаол иштирокчисига айланади.

Иккинчидан, Интернетда мижознинг ўзи компанияга ахборот учун мурожаат қилади, маркетинг томонидан реклама эълонларини почта орқали юборишини кутиб ўтирмайди. Электрон тармоқда адресат олдиндан маълум. Мижоз сайтга кириши билан таклиф этилаётган маҳсулотга ўз қизиқишини кўрсатади ва унинг эҳтийийёжларини ким яхшироқ қондира олса, шундан уни харид қилишга тайёрлигини билдиради.

Телевизион рекламадан фарqli ўларoқ мижознинг ўзи сайтни танлагани жуда муҳимдир. Шундай қилиб, Интернет компанияни унинг таклифига кўпроқ қизиққан шахсларга олиб чиқади.

Учинчидан, Интернет ҳар бир мижозга алоҳида ёндашувни таъминлашга қодир. Унда турли талабларга жавоб берадиган, осон ва тежамкорликда ахборот жойланади. Варақларни гиперманбалар билан бирлаштириб, маркетинг яқка ҳолда фойдаланишга мўлжалланган ва бутун дунёдаги потенциал туристларга тушунарли кенг ҳажмли мультимедия материални вужудга келтиради.

Унинг ёрдамида мижозлар ўз дидларига мос турмаҳсулотларни излашади. Оммавий ахборот воситаларида битта ахборот кўплаб фойдаланувчиларга юборилган бўлса, Интернетда ҳар бир фойдаланувчига кўплаб ахборот қаратилган бўлади.

Тўртинчидан, компанияларнинг сайтларга бўлган муносабати ва фаолияти интерфаол характерга эга. Мижоз билан иккитомонлама ахборот алмашуви алоҳида ёндашувнинг кучайишига олиб келади. Потенциал турист туристик маҳсулот ҳақида ахборот олиш, саволлар бериш, нархларни келишиб олиш имкониятига эга бўлади. Ўз навбатида, компаниялар ҳам мижозларнинг эҳтийийёжларини билиш ва янги маҳсулот ҳақида хабар етказишда фойдаланувчилар билан осонгина алоқага чиқиши мумкин. Мижозалардан келаётган ахборотни компьютер осонгина эслаб қолади, уни қайта ишлаб, буюртмачиларнинг алоҳида дидларига мослаб жавоб беради.

Саёҳатчиларга хизмат кўрсатадиган «Microsoft» тармоғи «Xpedtion» сайтига мурожаат қилганларнинг ҳаракатларини кузатиб боради. Улар қаердан келганликларини ва қаерга кетганликларини, нимани ва қандай кетма-кетликда излаганликларини, нимага буюртма берганликлари кузатиб борилади. Сайтга чиққан барча фойдаланувчиларнинг манзиллари белгиланади.

## Iqtiboslar/Сноски/References

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 августдаги “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни жорий қилиш ва янада ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарори. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
2. Ўзбекистонда туризм хизмати ва технологияларининг ривожланиши: монография / Н.Тухлиев, Ў.Жиянов. – Тошкент, 2022 й. – 96 б.
3. Don Tapscott, Alex Tapscott. Blockchain Revolution: How the Technology Behind Bitcoin is Changing Money, Business, and the World, 2016, 324 p.
4. Paul Vigna, Michael Casey. The Age of Cryptocurrency: How Bitcoin and the Blockchain Are Challenging the Global economic Order. 2015, 384 p.
5. Шодиев Т, Агзамов С. Интернет тизими имкониятлари ва муаммолари. Тошкент, Фан ва технология, 2006.



# ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР

6 ЖИЛД, 6 СОН

ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ

ТОМ 6, НОМЕР 6

INNOVATIONS IN ECONOMY

VOLUME 6, ISSUE 6

Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
ООО Тадқиқот город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000